

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фарғона туманидаги Халқ қабулхонасининг
“___” октябрь 2025 йилдаги
_____ – сонли хатига илова

**2025 йил 3-чораги давомида Фарғона туманида ҳудудларни
комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича
ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти,
муурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан
АХБОРОТ**

Бугунги кунда аҳоли ваколатли давлат органлари, муассасалар ҳамда халқ вакилларига ўзларини қийнаётган масалалар билан тўғридан-тўғри муурожаат қилмоқда.

Бу борада 2025 йил 9 оyi давомида Фарғона тумани аҳолисидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига жами **2 346 та** муурожаат келиб тушган.

Келиб тушган муурожаатларнинг **2 170 таси** тегишли идора ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиб, **1 220 таси (57,1%)** ижобий ҳал этилган.

Келиб тушган муурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1 262 тага** ёки **35,0 фоизга** (3608/2346) камайган.

Келиб тушган ариза ва шикоятларнинг **245 таси** Республика даражасида, **425 таси** вилоят даражасида, **1482 таси** (63,1 %) туман даражасида кўриб чиқилган.

Такроран келиб тушган аризалар **283 тани** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (**2024 йилда 213 та**) нисбатан **70 тага**, 32,9 % га **ортган**.

Туман аҳолисидан муурожаатларида кўтарилаётган масалаларнинг асосий қисми нафақа тайинлаш, моддий ёрдам ажратиш ва пенсияга оид масалалар (**292 та**), алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалар (**258 та**), содир этилган ҳуқуқбузарлик ва фирибгарлик ҳамда суриштирув-тергов ҳаракатларига оид масалалар (**154 та**), хизматчилар фаолияти ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар (**145 та**), кредитлар, банк пластик карталари, банкоматлар ва тўлов тизимлари фаолияти билан боғлиқ масалалар (**87 та**), газ таъминоти, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар (**80 та**), уй-жой таъминотига оид масалалар (**76 та**), тиббий хизматлардан фойдаланиш учун моддий ёрдам, тиббий кўрик ва ёрдам, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларига жойлаштириш билан боғлиқ масалалар (**71 та**), ичимлик суви тармоқлари ҳолати, тармоққа уланиш ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар (**63 та**), иш билан таъминлаш ва ишга тиклаш масалалари (**54 та**), боғчага жойлаштириш, боғчалар ҳолати ва

фаолиятига оид масалалар **(53 та)**, раҳбарлар қабулини ташкил этиш сўровлари **(51 та)**, электр тармоқлари ҳолати, узилишлар, ҳисоблагичлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар **(46 та)** хиссасига тўғри келади.

Энг ачинарлиси, Фарғона туманида яшовчи **310 нафар** фуқаро маҳаллани ўзида хал этилиши лозим бўлган **478 та** масалада **Давлат раҳбарига мурожаат йўллашга мажбур бўлишган**.

Ушбу ҳолат маҳаллалар кесимида Шифокор **(24)**, Миндонобод **(22)**, Миндон **(21)**, Хонқиз **(20)**, Кончилар **(19)** маҳаллаларининг салмоғи катта.

Хусусан, маҳалла раислари томонидан **244 та** (асосан, Шифокор, Хонқиз, Машғал, Шохимардон, Тошқўрғон Азиз), ҳоким ёрдамчилари томонидан **34 та** (асосан, Соё бўйи, Хўроба, Саткак, Миндон, Оқбилло, Юқори Водил), профилактика инспекторлари томонидан **61 та** (асосан, Янги аср, Миндон, Миндонобод, Оқбилло, Марказ, Оқтепа), хотин-қизлар фаоллари томонидан **66 та** (асосан, Беруний, Чимён, Баҳор, Миндон, Янгиобод, Шифокор), ижтимоий ходимлар томонидан **25 та** (асосан, Кончилар, Беруний, Каптархона, Ҳосилот, Саткак), солиқ инспекторлари томонидан **23 та** (асосан, Юксалиш, Хонқиз, Аввал, Дилкушо, Баҳор, Ўрта қишлоқ), ёшлар етакчилари томонидан **25 та** (асосан, Миндонобод, Гулистон, Бой маҳалла, Деҳқонобод, Оқбилло, Аввал).

Ушбу ҳолат “маҳалла еттилиги”нинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш аҳволи даражасини кўрсатмоқда.

Шунингдек, туманда яшовчи **151 нафар** фуқаро ўзининг **177 та** муаммоларига яшаб турган туманидан ечим топа олмаган.

Хусусан, **2 346 та** мурожаатларнинг **27 тасини** (1,15%) жамоавий мурожаатлар ташкил этган бўл-са, **10 таси** ижобий ҳал этилган холос.

Энг кўп жамоавий мурожаатлар Фарғона тумани ҳокимлиги **7 та**, “Фарғонатумангаз” газ таъминоти бўлими ва туман электр тармоқлари корхонаси **4 та**, туман тиббиёт бирлашмаси **3 та**, туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими **3 та**, туман прокуратурасига **2 та**, туман Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими **2 та**, **Фарғона вилояти транспорт бошқармасига 2 та**, туман Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги** ва АТ Халқ банки Фарғона шаҳар БХМга **1 тадан** мурожаатлар хиссасига тўғри келади.

Ачинарлиси, Соғлиқни сақлаш соҳаси ходими хатти-ҳаракатлари ва Пенсия ёки нафақа тўловидаги (тарқатишдаги) кечикиш масалалари аҳоли вакиллари ҳақи эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Жамоавий мурожаатларни сони ортишига идора ва ташкилотлар томонидан мурожаатлар билан ишлашда тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги, мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимларни ваколати доирасидаги ишларни лозим даражада бажармаётганлиги

далолат бермоқда.

Мисол учун, “Тулшан” МФЙ, Соҳибқурон кўчаси 76-уйда яшовчи Холиқова Эркиной XXXнинг 19.06.2025 йил кунги 336802/25-сонли “Биз жамоавий мурожаат қиялмиз. 2 ойдан буён газ баллон олиб келинмаяпти. Аҳоли жуда қийналялмиз. Шу сабабли сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Илтимос, тез кунда газ баллон билан таъминланишда амалий ёрдам масаласи”да 10 киши мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2023 йилдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-300-сонли қарори билан тасдиқланган 82-мақсадга кўра мурожаатларнинг камида **80 фоизи** маҳаллий даражада қаноатлантирилишини таъминлаш вазифаси белгиланган, бироқ 2025 йил 9 ойи давомида туманда ушбу кўрсаткич **57,1 фоизи** ташкил қилади.

Туманда мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси Кадастр агентлиги Фарғона вилояти Фарғона тумани бўлими (**24%**), Турон банк Фарғона филиали (**25%**), Фарғона тумани Ёшлар ишлари бўлими (**28%**), Фарғона тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими (**33%**), Фарғона туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси (**33%**) **туман кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда.**

Тумандаги тегишли идора ва ташкилотлар ваколати доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни ҳал этиш юзасидан жиддий эътибор қаратилмаётганлиги сабабли туманнинг **31 нафар** фуқаролари бевосита Тошкент шаҳрига бориб Президент Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлишган.

Мисол учун, Фарғона тумани, “Шарқ Ҳақиқати” МФЙ, Шарқ Ҳақиқати кўчаси, 127-уйда яшовчи Эргашев Абдусайд Хошимовичнинг соғлиги туфайли Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказини урология бўлими ётиб даволанишига йўлланма бериш масаласи туман тиббиёт бирлашмаси ваколати доирасида ҳал этилмаганлиги сабабли Президент Халқ қабулхонасига 17.06.2025 йил куни 9313-ар/25-сонли мурожаат қилган.

Ушбу мурожаат Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси томонидан кўриб чиқилиб, фуқаро туман Терапия бўлимида стационар даволанишга ётказилган ва 5 хил турдаги дори-дармон воситалари берилган. Фуқаро даво муолажалари натижасида соғлиги тикланган.

Мурожаатларнинг таҳлили айрим давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мурожаатлар билан ишлаш фаолиятида муаммолар сақланиб қолинаётганлиги ҳамда бир қатор тизимли камчиликларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг **33-моддаси**да мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг **мажбуриятларидан бири** этиб қуйидаги:

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаш;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиёни компенсация қилиш чораларини кўриши шартлиги юклатилган, бироқ тумандаги айрим маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўриши ўрнига мурожаатларни ўрганишга келган идора ва ташкилотларнинг қуруқ оқ қоғозларига муҳр босиб бериш билан чекланишмоқда.

Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига мурожаат қилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига, мурожаатларда келтирилган муаммоларни ҳал этилмасдан қолиб кетишига, аҳолининг давлат идоралари бўлган ишончини сусайишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Фарғона тумани “Наврўз” МФЙ, Қоровултепа кўчаси, 63-уйда яшовчи С.Комиловнинг 27.02.2025 йил кунги 111031/25-сонли **“маҳалладаги ижтимоий ходим қўпол муомалада бўлаётгани масаласи”**да ва айрим фуқаролар томонидан ижтимоий ходимга мурожаат билан МФЙ биносига бир неча марта бориб топаолмаётгани ҳақида шикоятлар сони ортган.

Хусусан, айрим маҳалла фаоллари фуқароларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этишга кўмаклашиш ўрнига, улардан даъвоси йўқлиги ҳусусида **унинг ўрнига тилхатлар ёзиш** орқали мурожаатларни ёпиш амалиётига одатланиб қолган.

Мисол учун, Фарғона тумани, “Майдон” МФЙ, Майдон кўчаси, 270-уйда яшовчи **Қодиржонова Мовлуда Иброхимовнанинг 16.06.2025** кундаги **98994-s/25-сонли “ўғли Қодиржонов Шохижaxonни контракт тўловларига ёрдам ажратиш масаласида”**ги мурожаати келиб тушган.

Ушбу мурожаат Фарғона тумани ёшлар ишлари бўлими томонидан қайта кўриб чиқилганда, тизимга 25.08.2025 йил кунги мурожаатни ўрганиш юзасидан “Майдон” МФЙда тузилган далолатнома, мурожаат

муаллифининг ўғли Қодиржонов Шохихахон номидан ёзилган ташаккурнома юкланган.

Халқ қабулхонаси томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш натижаси юзасидан мурожаат муаллифи билан 27.08.2025 йил куни соат 16:⁴⁹ да хизмат рақами орқали суҳбатлашилганда фуқаро М.Қодиржонованинг мурожаати унинг иштирокида кўриб чиқилмаганлиги, “Майдон” МФЙ томонидан 25.08.2025 йил кунги тузилган далолатномадан беҳабар эканлиги ва фуқаронинг ўғли Ш.Қодиржоновнинг ташаккурномасида мурожаати ҳал этилгани мазмундаги ёзувларни ёзмагани ва имзоси унга тегишли эмаслиги маълум қилган.

Бундан ташқари, Фарғона тумани “Лангар” МФЙ, Учбулоқ кўчаси, 71-уйда яшовчи Сайдахмедов Акбар Қодиржоновичнинг 23.09.2025 йил кунги 563386/25-сонли “Алимент, қарз ундириш ва ижро иши юритишга оид бошқа масалалар” ҳақидаги мурожаати Мажбурий ижро бюроси Фарғона тумани бўлими томонидан кўриб чиқилган.

Бўлим томонидан фуқаро А.Сайдахмедовга 29.09.2025 йил кунги 7-4789406/25-сонли жавоб хати, 28.09.2025 йил кунги ўрганиш маълумоти, мурожаатчи А.Сайдахмедовнинг 29.09.2025 йил кунги (23.09.2025 йил кунги 478406/25-сонли мурожаати кўрмасдан қолдириш ҳақида)ги илтимосномаси ва мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш ҳақидаги давлат ижрочиси М.Қосимовнинг қарори илова қилинган.

Халқ қабулхонаси томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш натижаси юзасидан мурожаат муаллифи билан 29.09.2025 йил куни соат 18:³⁵ да хизмат рақами орқали суҳбатлашилганда фуқаро А.Сайдахмедовнинг мурожаати унинг иштирокида кўриб чиқилмаганлиги, 23.09.2025 йил кунги 478406/25-сонли мурожаати кўрмасдан қолдириш ҳақидаги илтимоснома ёзувларини ёзмагани ва имзоси унга тегишли эмаслиги маълум қилган.

Ачинарлиси, Фарғона тумани “Хуршиди Тобон” МФЙ, Ризо кўчаси, 63-уйда яшовчи Турсунмуродова Раънохон Тоштемировнанинг 19.08.2025 йил кунги 61387-хқ/25-сонли “Маҳалланинг ички йўллари шағаллаштириш (таъмирлаш) масаласида”ги қилган мурожаати туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан кўриб чиқилган.

Шунингдек, 04.09.2025 йил кунги мурожаатини ўрганиш жараёнида Ободонлаштириш бошқармаси маъсул ходимлари томонидан мурожаат муаллифига у истиқомат қилаётган маҳалланинг ички йўллари 10 кунда шағаллаштиришни ваъда қилиб, мурожаатчининг ташаккурномаси ёздириб олиниб амалда ишлар ўз холича ташлаб қўйилган.

Ушбу ҳолатдан норози бўлиб, Р.Турсунмуродова 09.09.2025 йил куни 65170-хқ/25-сонли такрор шикоят аризаси қолдиришга мажбур бўлган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида **9 та** ҳолатда мурожаатчининг даъвоси йўқлиги ҳусусида **унинг ўрнига тилхатлар ёзиш** орқали мурожаатларни ёпиб юборилганлик аниқланган.

Бу каби салбий ҳолатлар жойларда мурожаатлар келиб чиқишига, фуқароларнинг **эътирозлари ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб бориш**, олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш ва мурожаатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни тизимли равишда амалга оширилмаётганидан далолатдир.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона туманидаги Халқ қабулхонаси томонидан тегишлилиги бўйича давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Қонунига қатъий амал қилган ҳолда тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқирилиши устидан мониторинг ва назорат ишлари олиб борилди.

Жумладан;

Фарғона тумани Солиқ инспекцияси, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими, туман электр тармоқлари корхонаси ва “Худудгаз Фарғона” ГТФ Фарғона тумани бўлимларида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ўрганилган.

Ўрганишларда юқоридаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бир қатор қўпол қонун бузиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, ахборотнинг **2-иловасига** мувофиқ кўриб чиқирилиши Халқ депутатлари Фарғона тумани Кенгаши томонидан қарор қабул қилиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, йил давомида аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан **5 та таклиф, 9 та тақдимнома, Халқ депутатлари Фарғона тумани Кенгашига 3 та ахборот ва тумандаги корхона ва ташкилотларга 26 та кўрсатмалар қўлланиши таъминланган.**

Назорат ҳужжатлари ижро юзасидан **1 нафар** мансабдор шахс ойлик иш ҳақидан жаримага тортилди, **7 нафари**га “ҳайфсан” интизомий жазо чораси ва **4 нафари** маъмурий жавобгарлик жазо чораси қўлланилиб, **8 нафари** огохлантирилди.

Келгусида, фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан қуйидаги таклифларни кўриб чиқиш лозим бўлади:

Фарғона туманида аҳолининг турмуш даражаси ва ижтимоий аҳволини яхшилаш бўйича қатор чоралар кўрилаётган бўлса-да, шунга қарамаздан бир қатор долзарб муаммолар ҳалигача аҳоли ҳаётини қийнаб келмоқда. Мазкур ахборотнинг **1-иловасига** асосан Фарғона тумани **“Инфратузилма ва барқарорликни таъминлаш”** жамғармаси **“Йўл ҳаритаси”**га киритилиши тавсия этилади.

Фуқаролар муаммолари билан самарали ишлаш, ечимини кутаётган масалаларни “маҳаллабай” ўрганган ҳолда жойида ва тезкор ҳал этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот тизимини янги даражага олиб чиқиш ҳамда мурожаатларни кескин камайтириш, такрорий мурожаатларни олдини олиш ҳамда **фуқароларнинг розилигини таъминлаш мақсадида:**

- тумандаги идора ва ташкилот раҳбарлари мурожаатлар билан ишлашда аввало аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларни химоя қилиш, уларнинг қийнаётган муаммоларни ўз муаммоси сифатида кўриш ва ҳал этиш чораларини амалга ошириш;

- мурожаатлар келиб тушиш сабабларини таҳлил қилиш, аҳолининг эътирози ва салбий муҳокамаларга сабаб бўлаётган муаммоларни бартараф этиб юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бугунги кунда ўз йўналиши бўйича олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш орқали шукуроналик кайфиятини уйғотиш;

- ҳар соҳа бўйича келиб тушаётган такрорий мурожаатларининг келиб тушиш сабабларини таҳлил қилиш, уларда келтирилган масалаларни жойи борган ҳолда ўрганиш ва аниқ чора-тадбирларни белгилаш;

- Давлат органлари ходимларининг ҳатти-харакатлари юзасидан келиб тушган шикоятларни ташкилот раҳбари томонидан мурожаат муаллифи иштирокида кўриб чиқиш;

- Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга ошириши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўриши;

- Давлат органларида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда уларнинг натижаларига кўра маълумотномалар тузиш, мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоида бузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.